

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2

Самарқанд шаҳри

<<11>> январь 2022 йил

"ASA"-CAPITAL кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар Аслиев Ш номидан, бир томондан ва СамМИ 1-клиникаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи бош врач Абдуллаева Н.Н. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан "Сотиб олувчи"га мулк қилиб топшириши, "Сотиб олувчи" эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиши ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Масло слив 82,5%	кг	50	63 000	3 150 000
2	Масло подсолнеч	л	150	23 500	3 525 000
	Жами:				6 675 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериши муддати: 2022 йил <<31>> декабр гача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 1.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси Олти миллион олти юз этмиш беш минг сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 2 002 500 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 4 672 500 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабр гача амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириши йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириши.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифатли ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларига мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириши ёки шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Қабул қилиши далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартномани ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
 - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
 - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳаққини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгаришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.
- 4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириши муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қўйидаги миқдорда жарима тўлайди;
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида, тез бузиладиган товарла бўйича эса 10% миқдорида жарима тўлайди;
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширмаганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.
- 5.4. Товар ҳаққини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериши муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириши давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.